**ШАРТНОМА №33247**
**Маҳсулотлар етказиб бериш бўйича**

**2022 йил «8» август** **Бешариқ тумани**

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими** номидан рахбар **Ш.Бараталиева** (келгусида «Харидор» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи **«Нурафшон метал траде» х/к** (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбар **Н.Меликўзиев** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагиларни бажариш учун туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Сотувчи» мазкур шартнома шартларига асосан: Бешарик туманидаги МТТларга иситиш қозонлари етказиб бериш мажбуриятини олади, «Харидор» эса махсулотларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиб, тўловларни амалга оширади.

## 2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жами **35,900,000** ***(Ўттиз беш миллион тўққиз юз минг)*** ҚҚС сиз сўмни ташкил этади

| Т/р | Номи | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Иситиш қозони (Квт 50) | 4 | 8975000 | 35 900 000 |
| **Жами** | **Х** | **Х** | **Х** | **35 900 000** |

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Харидор» ва «Сотувчи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қушимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

## 3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотувчи» томонидан махсулот етказиб берилгандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан «Харидор» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Харидор» олдиндан шартнома умумий суммасини **30 %** миқдорида аванс тўловини «Сотувчи» хисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги хисоб-китоблар хақиқатда етказиб берилган махсулотлар хажмига қараб, аванс маблағларини хисобга олган холда амалга оширилади.

## 4. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Харидор» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида «Сотувчи» томонидан махсулот етказиб берилиши шарт.

4.2. «Сотувчи» махсулотларни амалдаги талабларга мувофиқ бўлишини таъминлайди.

4.3. «Сотувчи» махсулотларин етказиб беришни техника хавфсизлиги, мехнат мухофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилган холда амалга оширади.

## 5. ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Сотувчи» мазкур шартномада назарда тутилган махсулотларни тулиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Харидор» етказиб берилган махсулотларни сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Харидор» томонидан «Сотувчи»га махсулотларни етказиб бериш учун зарур шароитлар яратиб берилади.

5.4. Бажарилган ишларда камчилик аниқланган тақдирда, «Харидор» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва <u>10</u> кун муддатда «Сотувчи»га хабар юборилади. «Сотувчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз кучи билан <u>10</u> кун давомида бартараф этилади.

## 6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2. Агар «Сотувчи» томонидан махсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Сотувчи»шартнома қийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3. «Сотувчи» томонидан махсулотлар етказиб берилгандан кейин «Харидор» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса тўланмаган суммани 0.4% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Сотувчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган маблаглар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошка енгиб бўлмас куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3. Ушбу шартномани амал қилиш муддати жорий молия йили охиригача. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошкармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## 9. ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Сотувчи»**
«Нурафшон метал траде» х/к
(етказиб берувчининг (Сотувчининг) номи)
Манзил: Данғара тумани
Тел./факс +99890 200 16 37
(х/в ёки шғх) 20208000705050501001

Банк номи ДТ «Агро банки»Данғара филиали
МФО: 00545 СТИР: 306290024

**«Харидор»**
Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими
(Харидор номи)
Манзил: Бешарик тумани Сирдарё кучаси № 12
Тел./факс ___61-21-627__
шғх* 100022860302157091100251001

Ташкилотнинг СТИРи 305153351
ОКОНХ____97200____

Ғазначилик бўлинмасининг номи:
Бешарик туман буйнча Газначилик булинмаси
ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО:00014
Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи: 201122919

Раҳбар ______________ Н.Меликўзиев
(лавозими) (имзо) (Ф.И.О.)
М.Ў.

Раҳбар ______________ Ш.Бараталиева
(лавозими) (имзо) (Ф.И.О.)
М.Ў.

https://bo.birdarcha.uz/brc/legal_entities/register/step9?id=7059:

1956583

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NURAFSHON METALL TRADE" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NURAFSHON METALL TRADE" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.04.2019 705927 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306290024

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Dang`ara tumani, Nurafshon qishlog'i Nurli ko'chasi 42-uy,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Dang`ara tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
150300, Beshariq tumani, Oltin vodiy ko'chasi, 46-uy
Tel.:(998 73) 612-21-19, el. pochta: beshariq-t-yurmarkaz@adliya.uz

**28.07.2022 yil**

**Beshariq tuman**
**Maktabgacha ta'lim bo'limi**

**XULOSA**
*(Maktabgacha ta'lim bo'limining shartnoma loyihasiga)*

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2.Loyhaning nomi:** Beshariq tumani MTTlarga isitish qozonlarini etkazib berish bo'yicha shartnoma.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 27 iyul kuni ishlab chiqilib dasturga kiritilgan.

**4.Loyiha bo'yicha taklif:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi hamda "Nurafshon Metal Trade" XK o'rtasida Beshariq tumani MTTlarga isitish qozonlarini etkazib berish bo'yicha 35 900 000 (O'ttiz besh million to'qqiz yuz ming) so'mlik shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyayining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunining 10-moddasi (Xo'jalik shartnomasiga nisbatan qoyiladigan talablar)ga muvofiq ishlab chiqilgan.

O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari tu'g'risida"gi 684-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2018 yil 26 mayda №3016-son bilan ro'yhatdan o'tkazilgan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizom, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 02-iyuldagi PQ-5171-sonli "Davlat xaridlari shaffofligini ta'minlash va samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida"gi qarorini ijrosini ta'minlash maqsadida Respublika tovar hom-ashyo birjasining "xarid.uz" saytidagi Maktabgacha ta'lim bo'limining shaxsiy kabineti orqali Beshariq tumani MTTlarga isitish qozonlarini sotib olish bo'yicha №122955-lot raqami bilan 2022 yil 25 iyul kuni e'lon joylashtirilgan.

Maktabgacha ta'lim bo'limining № 122955-lot bo'yicha o'tkazilgan tanlov O'zbekiston Respublika tovar-homashyosi birjasi "UZEX" maxsus portalida

0V.02 тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: RO5680263768

o'rganilganda, 25.07.2022 yil kuni bayonnoma rasmiylashtirilgan bo'lib, tanlov natijalariga ko'ra "Nurafshon Metal Trade" XK g'olib deb topilgan.

Shartnoma loyihasiga isitish qozonlarini sotib olish uchun 122955-lot bo'yicha xarid komissiyasining bayonnomasi, "Nurafshon Metal Trade" XK tadbirkorlik guvohnomasi hamda soliq va boshqa majburiy to'lovlardan qarzdorligi yo'qligi to'g'risidagi ma'lumotnoma ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

**XULOSA**

Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq ishlab chiqilgan.

**Markaz Bosh yuristkonsulti:** **A.Farmonov**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Бешариқ тумани Мактабгача таълими**
**бўлими мудири (комиссия раиси)**
**_______________ Ш.Бараталиева**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2022 йил 20 майдаги Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги қарори ва Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-моддасининг 7-хатбошисига кўра Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги МТТларга иситиш қозонлари сотиб олиш (лот№22110012122955) бўйича танлов комиссиясининг мухокама натижалари юзасидан**

## 57-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ

2022 йил “01” август соат 09:00 Бешариқ шаҳри

**Танлов комиссияси иштирокчилари:**

| | |
|---|---|
| Ш.Бараталиева | - Бўлим мудири, комиссия раиси; |
| М.Ботиралиев | - марказлашган молия-бухгалтерия хизмати бош ҳисобчиси, танлов комиссияси аъзоси; |
| Ф.Қўлдошев | - махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси; |
| Б.Ахмедов | - кадрлар бўйича инспектор, танлов комиссияси аъзоси; |
| А.Туранов | - махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати таъминотчиси, танлов комиссияси аъзоси; |

**Йиғлиш кун тартибидаги кўриладиган масала;**

2022-йилда etender.uzex.uz лот №22110012122955 рақами билан Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги МТТларга иситиш қозонлари сотиб олиш учун 14.07.2022 йилдан 20.07.2022 йилгача бўлган вақтда порталга жойлаштирилган. Танловда 2 (икки) нафар иштирокчи қатнашди булар 1. Нурафшон Металл Траде х.к 2. “FARE’ZO” қ.к

Танлов 25.07.2022 йил куни танлов комиссияси аъзолари томонидан Нурафшон Металл Траде х.к ғолиб деб топилди ва 25.07.2022 йил соат 14:01 да электрон баённома расмийлаштирилди ва шу пайтнинг ўзида 2 иш кунига мухокамага жойлаштирилди. Шу 2 иш куни давомида хеч қандай эътирозлар келиб тушмади ва махсус комиссия қарори билан Нурафшон Металл Траде х.к билан шартнома тузишга қарор қилинди.

.

**Ш.Бараталиева** ________________

**М.Ботиралиев** ________________

**Ф.Қўлдошев** ________________

**А.Туранов** ________________

**Б.Ахмедов** ________________